

У 37(03)
А 15

А.А.АБДУҚОДИРОВ, А.Х.ПАРДАЕВ

**ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ОИД
АТАМАЛАРНИНГ
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**



ТОШКЕНТ

А.А.АБДУҚОДИРОВ, А.Х.ПАРДАЕВ

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ОВД
АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

ТОШКЕНТ-2012

УДК: 616.95
КБК 74.200.51
А45

А45 А.А.Абдукодилов, А.Х.Пардаев. Педагогик технологияларга оид атамаларнинг взохли лугати. - Т.: «Ғап уа IexpoIо\$Iуа», 2012, 44 бет.

ISBN 978-9943-10-786-1

Таълим тизими ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларнинг жорий килинишини жадаллашуви, таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларга ўз фанларини ўқитиш жараёнини тренинглар, очик мунозаралар, якка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлашни ташкил қилган ҳолда замонавий педагогик технологиялар ("Саезе з Ыу" услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, "Амалий ўйин", интерфаол таълим услуби ва бошқалар)дан фойдаланиб ташкил этишга мажбур қилмоқда. Шунинг учун, уларга замонавий инновацион педагогик технологияларнинг атамалари ва тушунчаларини мазмунини билиш зарур. Ушбу атамалар лугатида педагогик технологияларга оид 300 дан ортик тушунчаларнинг этимологияси ва мазмуни баён этилган. Атамалар баъзиларининг мазмуни бир неча вариантларда келтирилган. Бу ўқитувчилар томонидан атамалар мазмунининг мукобил вариантларини таклаб, фойдаланишларига имконият беради, деган умиддамиз.


Ушбу атамалар изохли лугати таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ва замонавий инновацион педагогик технологиялардан сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларга амалий ёрдам сифатида хизмат қилади. Ундан шу сохага бефарқ бўлмаган кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан 2012-2014 йилларга мўлжаллаб «Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, бошқариш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш» мавзуси учун ажратилган грант маблағи доирасида тайёрланди ва чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентга «Истеъдод» жамғармасининг 2012 йил 23 августдаги умумий йигилиши қарори асосида чоп этилди.

Такризчилар: **М.Тоджиев** - пед. фан. док., профессор;
Ф.Юзликбаев - пед. фан. док., профессор;
Л.Тошмухамедова - фил.фан.номзоди, доцент;
М. Холиқова - фил.фан.номзоди, доцент

ISBN 978-9943-10-786-1



© «Ғап уа IexpoIо\$Iуа» нашриёти, 2012.

1. *Автократлик* - ҳокимлик, кишининг буйруқбозлик, кўрсатмалар бериш ва жазолаш каби шаклларда бошқаларга (масалан, тарбиячининг ўқувчига) нодемократик усуллардан фойдаланган ҳолда таъсир этишга мойиллиги.

2. *Авторитет* - ўзининг хизматлари, интеллектуал, ахлоқий, ишчанлик сифатлари кучи орқали қандайдир алоҳида шахсга ёки ижтимоий институтга қиладиган таъсир.

3. *Агрессивлик (тажовузкорлик)* - душманлик, бошқаларга, атрофдагиларга зарар етказиш, тажовуз қилиш, ноқулайлик туғдириш мақсадини амалга оширувчи шахснинг хусусияти.

4. *Адаптация* - ташқи муҳитнинг турли шароитларига организм (шахс, вазибалар)нинг мослашиш қобилияти. Шахсни, типик муаммоли вазиятларда унинг тузилишини патологик ўзгаришларсиз мустаҳкам ҳулқини таъминлайдиган ҳолатга келтириш.

5. *Адекват* - (лот. *ac/aedua(ш* - тенглаштирилган, тенг), мое келадиган, тўғри, аниқ; билиш назариясида - объектив дунёнинг алоқалари ва муносабатларини фикрда тўғри англашдир.

6. *АЖИЛ (амалиётда жамоавий ижодий ишлар)* - жамоавий ижодий ишни ташкил қилиш, тайёрлаш ва ўтказиш услубларини ўрганиш ҳамда ижодий фаолиятни шакллантиришга йўналтирилган.

7. *Алгоритм* - берилган маълумотлардан изланилаётган натижага ўтиш жараёнини кўрсатиб берувчи аниқ қоида (кўрсатма).

8. *Альтернатива* (франц. акегпайе, лот. акег - иккитасидан бири)-имкониятларини ўзаро чиқариб ташлайдиган иккита ёки бир нечтадан бирини танлаш зарурати; бир-бирини имкониятларини чиқариб ташлайдиганлардан ҳар *бири*.

9. *Аутотренинг* - ўзини-ўзи ишонтириш, шахснинг ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган махсус машқлар тўплами. Ауто-тренингдан шахснинг ўз рухий ҳолати ва ҳулқини бошқаришда фойдаланилади.

10. *Ахлоқ* - шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий ҳулқ қоидалари, у ижтимоий онг шаклларида биридик.

11. *Амалий йўналтирилган лойиҳа* (мамлакат иқтисодиётини тиклаш бўйича ўқув қўлланмадан токи тавсиялар пакетига).

12. *Аналогия* (юнунча. *analogsia* — мослик, ўхшашлик), нарса (жараён)ларнинг қандайдир хоссаларидаги ўхшашлик. Аналогия бўйича аклий хулоса - қандайдир объектни кўриб чиқишдан олинган билимлар, объектни муҳим хоссаси, сифати бўйича ўхшаш кам ўрганилган объектга ўтказилади; бундай аклий хулосалар - илмий фаразларнинг манбаларидан биридир.

13. *Анкета* - вербал (сўзлар) коммуникация асосида дастлабки ижтимоий ва психологик ахборот олиш учун услубий восита, ягона тадқиқот фикр билан бирлаштирилган сиртдан суров ўтказиш шакли; объект ёки предметнинг миқдор-сифатини аниқлашга йўналтирилган тахдид тавсифномаси.

14. *Анкета ўтказиш* - анкеталар ёрдамида жамоавий ахборот йиғиш услуби; анкеталар суров.

15. *Ахборотли лойица* - кенг аудиторияда (ОАВда мақола, Интернет тармогида ахборотлар) намойиш этиш мақсадида аҳамиятли муаммо бўйича ахборотлар йиғиш ва қайта ишлаш.

16. *Ахборотли ёндошув* - услубологик йўл-йўриқ бўлиб, унга мое равишда психологик жараёнлар ахборотни кетма-кет ҳам, параллел равишда ҳам, амалга ошириладиган қайта ишлаш жараёнининг мураккаб тизими сифатида қаралади. Ушбу жараёнларнинг ҳар бир босқичида ахборот аниқ ўзгаришларда бўлади, уни кодлаш, белгиларини ажратиш, филтрлаш, аниқлаш, тушуниш ечимни ишлаб чиқиш, жавоб - ҳаракатларини шаклланиши амалга оширади.

17. *Ахборот технологияси* - ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуидир.

Б

18. *Билим* - амалиётда синаб кўрилган ҳақиқатни билиш натижасидир. У тушунча, қонун, тамойил, муҳокама кўринишларида намоён бўлади. Билим *эмпирик* (тажриба ва амалиётдан чиқарилган) ва *назарий* (қонуният алоқаларини ва боғланишларини ифодаловчи) бўлиши мумкин. Эгалланган билимлар тушунарлилиги, тизимлилиги, тушунганлилиги ва ҳақиқатийлиги билан ажралиб туради.

19. *Билиш фаолияти* - идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.

20. *Баён қилиш* - тарбиячи томонидан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сўзлаб бериш услубиёти.

21. *Бошқариш* - ташкил этиш, қарор қабул қилишда қаратилган фаолият, объектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва яқун яшаш.

22. *Бошқарув* - ўқитувчиларни аудиторияни бошқаришдаги усуллари ҳамда талаба (ёки ўқувчи)ларни иш жараёнида бошқариш усуллари билан таништириш ва шунга ўргатишга қаратилган.

23. *Бузилган вазифалар компенсация* - организм функция-ларининг қандайдирларини бузган ҳолда ёки йўқотганда, унинг вазифаларини қайта қуришнинг мураккаб ўзига хос жараёни.

24. *Бурч* - муайян ахлоқий мажбуриятларни ҳис қилиш, унинг зарурлигини англаш.

25. *Буш вақт* - инсоннинг бўш вақтларида ўзининг хоҳишига қараб, турли-туман фаолият билан шуғулланиш имконияти. Бўш вақтнинг беш гуруҳи мавжуд: дам олиш, кўнгиш очар, байрамлар, ўз-ўзи ўқиши, ижод.

В

26. *Вазифа* - мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг ойдинлаштирилиши.

27. *Вербал* - ифодали, оғзаки

28. *Валеология* (лот. *vaLeo* - саломат бўлиш) - инсоннинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий саломатлигига табиий, жамоавий ва гуманитар фанлар (тиббиёт, гигиена, биология, психология, социология, фалсафа, маданиятшунослик, педагогика ва бошқа) томонидан интеграллашга ёндошувга даъвагор «саломатликнинг умумий назарияси».

29. *Валидлик* - баҳолаш учун ишлаб чиқилган психологик тавсифини адекват баҳолаш ва ўлчаш услубикасининг психодиагностик қобиляти. Одатда, тестларнинг валидлигини мазмунли, мезонли ва конструктив турларига ажратадилар. Мазмун бўйича у ўлчанадиган соҳа табиатининг мослигини таъкидлаш мақсадида тестнинг мазмунини текширишдан иборат. Валидлик мезон бўйича бизни шаҳе хулқининг ҳозир ва келасидаги кизиктирадиган томонларини тест натижаларига кўра қанчалик хулоса қилишни

кўрсатади. Уни аниқлаш учун тестни бажаришни мезон билан, яъни тест аввалдан айтиш мумкин бўлган эркин ўлчов билан таққосланади. Конструктив валидлик тест асосига олинган назарий концепцияларнинг тўғрилигини исботлаш йўли билан аниқланади.

30. *Вербал* - (лот. *хегЪаИз* — сўзли) - белги, сўз ва жараёнларни белги ва сўзлар билан ишлов берйш атамаси.

31. *Визуал* (лот. **У1\$иаН8** - кўришга оид, тамоша) — кўринадиган.

Г

32. *Генерация* (лот. *^eneгаИо* - туғилиш, кўпайиш) - авлод.

33. *Гипотетик* — фараз (гипотеза)га асосланган.

34. *Глобал* - бутун дунё, улкан.

Д

35. *Даволаш педагогикаси* — даволаш ташкилотлари шароитида бўлган болаларни дефектларини коррекция қилиш ва аномал ривожлантиришга қаратилган тиббий-педагогик чоратадбирлар тизими. *Даволаш педагогикасига* врач-психиатрлар: Э. Сеген (Франция), И. В. Мляревский, А. С. Грибоедов, В. П. Кашенко, Г. И. Россолимо (Россия) ва бошқалар асос солганлар.

36. *Дебрифинг* - тажрибада қатнашаётган субъектга тажриба нимага қаратилганлигини маълум қилиш ва агар, зарурат бўлса, ихтиёрий ёлгон ёки тадқиқотга зарур элементлар ҳақидаги ахборотни беркитишни очиш.

37. *Девант хулқ* - жамиятда қабул қилинган меъерларга зид бўлган қилиқлар тизими ёки алоҳида **қилиқлар**.

38. *Дидактик тизим (тизим)* - тарбиявий тизимнинг тизимости, таълим мақсади, мазмуни, жараёни, услублари ва уни ташкил этиш шакллари йиғиндиси.

39. *Диагностика* - (юнонча. сНа\$нозШсо5 - муаммони аниқлаш жараёни ва қабул қилинган атамалардан фойдаланиб белгилаш). 1. Тадқиқ қилинаётганнинг меъёрда бўлмаган ҳолатини диагнозини белгилаш (масалан, ўқувчининг билимини ривожланиш диагностикаси). 2. Объектнинг ҳолати, вазияти, тавсифини аниқлаш

мақсадида ўрганиш; инсонларни психологик, психофизиологик ёки педагогик белгиларига кура синфларга ажратиш услуби ҳақидаги фан бўлими.

40. *Дидактика* — ўқитиш ва таълим, уларнинг мақсади, мазмуни, воситалари, ташкил этиш ҳақидаги фан.

41. *Дидактик бирлик* - ўқув предметининг мазмунини аниқлайдиган маъно жиҳатидан мустақил бўлган билимлар тизимининг қисмидир.

42. *Дунёқараш* - дунёга қараш тизими ва инсоннинг ундаги ўрни; табиат, жамият, кадриятлар ва шахе идеаллари, ижтимоий гуруҳлари, жамият тизимида ифодасини топадиган инсон ҳақида тўлиқ тасаввур. Дунёқараш асосида дунёни тушуниш (дунё ҳақидаги аниқ билимлар йиғиндиси) ётади, дунёни қабул қилиш (идеаллар, ҳақиқат модели ва образлари), сезиш муносабатлари.

43. *Дунёқараш* - шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи қарашлар, эътиқод ва фикр-ўйлар тизими.

Ё

44. *Ёш* — организм ва шахени шаклланишининг махсус қонуниятлари билан характерланадиган инсонни ривожланиш даври. Ёш, ушбу даражада шахе тузулишининг ўзига хослигини аниқловчи қатор ўзгаришлар хос бўлган сифат жиҳатидан алоҳида босқични ифодалайди. Ёш чегаралари ўзгарувчан ва турли ижтимоий-иктисодий шароитларда бир хил эмас.

Ж

45. *Жамоа* - умумий мақсад йўлида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, ташкилийлиги ва интилишлари билан бир-бирига монанд турғун социал (ижтимоий) гуруҳ.

46. *Жараён* - қўйилган мақсадга эришиш учун йўналтирилган амаллар йиғиндиси.

47. *Жамоа (коллектив)* — мақсади жамиятга ва инсонларга фойдали бўлган инсонларнинг биргаликдаги фаолиятлари бўйича ташкил этилган гуруҳи. Жамоа белгиси: инсонларни аниқ, ижтимоий қўлланган мақсад учун бирлаштириш; биргаликдаи фаолият; гуруҳнинг ташкил этилганлиги ва мустаҳкам бирлиги;

жамоавий муносабатнинг мавжудлиги; ягона кадриятли мўлжал, ахлоқий ва маънавий бирлик.

48. *Жорий назорат* - модулнинг ўқув элементининг мазмунини ўзлаштирганлик жараёнини доимий белгиланган кузатишдир. Бу - энг тезкор назорат тури бўлиб, унда ўқувчининг материални тушунганлик даражаси, уни ўзлаштирганлиги, билимларни амалий масалаларда қўллаш олиш кўникмалари аниқланади.

И

49. *Идеал* - олий мақсад, бирор нарсанинг намунаси, шахе, гуруҳдарнинг хатти-харакатлари, интилишлари интихоси.

50. *Идентификация* - 1. Ниманидир, кимнидир билиш; 2. Кимгадир, нимагадир ўхшатиш, тенглаштириш; ижтимоий ролларни ўзлаштириш жараёни, шахени ҳақиқий ёки тасаввурдаги объект билан тенглаштириш.

51. *Идентивлик* - ўзини вақтда тенглигини, узлуксизлигини сезиш, "мен ўша мен"лигини сезиш; ўзини шахсларнинг ўраб турган дунё билан ўзаро алоқадарлиги жарёнида ўзини шахей қабул қиладиган образи (образ ўз ичига - ўзининг танасини, шахей хусусиятларини, ижтимоий мавқеини, ирқи ва миллатини олади).

52. *Иерархия* - бутуннинг элементларини ёки бўлакларини юкоридан пастга томон тартибда жойлаштирилиши.

53. *Иерархия* - оддийдан мураккабга, мураккабдан оддийга ўтиш усулларини қўллаш орқали талаба (ёки ўқувчи)ларни мантқиқий, танқидий ва ижодий фикрлашга ўргатишга қаратилган.

54. *Ижодий вазифалар* - ўқувчилардан ахборотни фақат қайта ишлаб чиқиш эмас, баёки ижод қилишни талаб қиладиган ўқув вазифалардир. Ижодий вазифалар ихтиёрий интерфаол услубнинг мазмуни ва асосини ташкил этади.

55. *Ижодий лойица* - муаммони ҳал этишда максимал эркин муаллифлик ёндашуви. Махсулот - альманахлар, видеофильмлар, театрлаштиришлар, тасвирий санъат асарлари ёки декоративли-амалий санъат ва ҳакозо.

56. *Ижтимоий адаптация (мослашиш)* - инсонни ижтимоий муҳитнинг шароитлари ва талабларига фаол мослашиш жараёни ва натижаси. Унинг мазмуни гуруҳ ва унга кирадиган шахснинг мақсадлари ва қийматли ориентациясининг яқинлашиши,

уларнинг гуруҳий меъёрларини, анъаналарини, ижтимоий кўрсатмаларни ўзлаштириши, ўзига ижтимоий ролни қабул қилишдан иборат. Шахснинг ижтимоийлашувининг бир механизмдан иборат.

57. *Ижтимоий идрок этиши* - кишилар томонидан ижтимоий объектларнинг идрок этилиши, англаниши ва баҳоланиши.

58. *Ижтимоийлашув* - инсонни турли жамиятда (гуруҳ, ижтимоий институт, ижтимоий ташкилот) ижтимоий муносабатлар тизимига интеграцияси, улар томонидан шахе сифатлари шаклланишига асос бўладиган маданият элементларини, меъёрлар ва кадриятларни ўзлаштириш; шахе томонидан ижтимоий роллар тўпламини жорий этишга тайёрлигини шакллантириш, ушбу ролларни эгаллаш. Бунда ижтимоий ўзи-ўзини аниқдаш - ижтимоий муносабатлар тизимида болалар томонидан, уларни шаклланган қизиқиш ва эҳтиёжлари асосида бу тизимга қўшилганликларини кўзда тутадиган, ўзларининг роллари ва ҳолатларини танлаш ҳосил бўлади.

59. *Ижтимоий педагогика* - аномал болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фан.

60. *Изоҳ, тушунтириши* - оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳдаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

61. *ИМАК (ишонтириш мактаби)* - ишонтириш (муроса йўллари топиш, уни асослаб бериш), ташкилотчилик қобилятини, ноанъанавий вазиятларда ўзини ва жамоани бошқара олиш ҳамда мумкин бўлган муаммоли вазиятларни олдиндан кўра билиш, уларни ҳал қилиш йўллари излаб топиш маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган.

62. *Имитация* (лот. *ипИайо* - таҳлид қилиш, ўхшатиш) - 1. Кимгадир, нимагадир таклид қилиш; ишлаб чиқиш; қалбаки. 2. Кўп овозли мусикий асарда аниқ ёки олдин эшитилган бошқа овоздаги қандайдир овозда сагал ўзгартирилган такрорлаш.

63. *Индивид* (шахе) - 1. Инсон табиатнинг ягона мавжудоди сифатида, Ното 8арлепз кўриниши вакили, филогенетик ва онтогенетик ривожланишнинг махсулоти, туғма ва эгалланганларнинг бирлиги, ўзига хос хислатларни шахсан ташувчиси; 2. Инсоният жамиятини алоҳида вакили.

64. *Индивидуал (шахей) ёндошув* - ўқувчиларнинг ҳаётий вазиятларда уларнинг хулқига етарли даражада таъсир қиладиган

шахей қобилиятларини (темперамент, табиати, қобилияти, лаёқати) ҳисобга олган ҳолда педагогик жараёни амалга ошириш. Шахсий ёндошувнинг моҳиятини ҳд бир болага нисбатан муқобил натижаларга эришиш мақсадида тарбия шакл ва услубларини эгилувчан ҳолда фойдаланиш ташкил этади.

65. *Индивидуаллик (шахсийлик)* - ҳар бир кишининг жамоавий тарихий маданиятини ривожланишида субъект сифатида ўзининг фаолиятини амалга оширувчи, бетакрор ўзига хос психикалари. Шахсийлик инсоннинг: интеллектуал, мотивацион, хис-туйғулик, эркинлик, предметли-амалий, ўзини-ўзи тартиблайдиган ва экзистенциал каби соҳаларни оладиган ички психик дунёси сифатида таърифланади.

66. *Индивидуаллик* - шахснинг бетакрор биоижтимоий хусусиятлари.

67. *Инновация* (инг. *Innovation* - т - киритиш, *now* - янгилик, янгилик киритиш) - мақсадга қаратилган ўзгариш бўлиб, қўлланиш соҳасидаги тизимни сифат жиҳати бўйича бир ҳолатдан бошқа янги ҳолатга ўтказиш, уни тубдан такомиллаштириш, деган маънони англатади.

68. *Инновациялар* - бу таълим эволюцияси учун истиқболли бўладиган ва унинг ривожланишига, шунингдек, таълимнинг кенгроқ фазосининг ривожланишига ижобий таъсир этадиган турли ташаббуслар ва янгиликлар асосида пайдо бўладиган долзарб маъноли ва тизимли ўзини-ўзи ташкил этадиган янгиликлардир (И.В.Никишина).

69. *Инновация* - ишлаб чиқариш фаолиятини, фан, маданият, таълим ва жамиятнинг бошқа фаолият соҳаларидаги иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муносабат жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари ва ишланмалардан фойдаланишдир ("Инновационный менеджмент" маълумотномали қўлланма).

70. *Инновация* - бу педагогик ҳақиқатнинг мумкин бўлган ўзгаришларининг шундай мазмуни, у таълим ва тарбиянинг аввалдан маълум бўлмаган, аввал учрамаган ҳолат, натижа, ривожланадиган назарияси ва амалиётига олиб келади. Бу ҳолат педагогик ҳақиқатга бутунлай ва унинг алоҳида ташкил этувчиларига тегишли бўлиши мумкин (Н.Р. Юсуфбекова).

71. *Инновация* (янгилик киритиш) - жамиятнинг аниқ талабини қондирадиган ва қатор (иқтисодий, илмий-техник,

ижтимоий, экологик) самара берадиган, тубдан янги ёки модификация қилинган воситалар(янгилик)ни яратиш ва амалга ошириш (жорий этиш)нинг якуний натижасидир (Д. В. Соколов, А. Б. Титов, М. М. Шабанова).

72. *Инновация* (янгилик киритиш) - маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ҳамда тарқатиш, янги ташкилий шаклларни жорий этиш ва ш.к.ларга қаратилган ижодий фаолият натижасидир ("Научно-технический прогресс" лугати).

73. *Инновация* - янги восита (янгилик)ларни яратиш, тарқатиш ва қўллаш. Янги натижаларни излаш ва олиш, уларни олиш усуллари бўйича фаолият.

74. *Инсонпарварлик* - 1. Инсоннинг инсонга бўлган мухаббати, унинг қадрини ҳурмат қилиш, киши манфаатлари учун қайғуриш ғоялари билан суғорилган ва кишилар ўртасидаги тенглик, ҳалоллик, инсоний муносабат тамойилларига асосланган дунёқараш; 2. Инсонийлик, инсонларнинг бунёдкорлигига ишончи.

75. *Интеграция* (лот. *integrum* — *целое*; лот. *integratio* — тиклаш, тўлдириш) - сиёсий, иқтисодий, давлат ва жамоа тузилмаларини худуд, мамлакат, дунё миқёсида жишлаш, бирлаштириш.

76. *Интеллект* (лот. *intellectus* - юнонча *пиз* - «ақл», билиш, тушуниш, фикрлаш) - фикрлаш қобилияти, рационал билиш. Кенг маънода "интеллект" сўзи барча билиш вазибалари, тор маънода - фақат фикрлашни ўзига олади.

77. *Интеллект (ақл)* - шахснинг турли фаолият турларини муваффақият билан ўзлаштиришини белгилайдиган тугма ва ўзлашма барча ақлий қобилиятлар тўплами.

78. *Интервью* — сўралаётган ўқувчи билан бевосита алоқада оғзаки сўров ёрдамида социологик ва психологик ахборот олиш усули.

79. *Информатика* - нем. *Informatik*, инг. *informatics*, фр. *informatique*, фр. *informatics* — компьютерли фан — АКШда, инг. *computer science* — ҳисоблаш фани — Буюк Британида) — ахборотни олиш, тўплаш, сақлаш, ўзгартириш, узатиш ва фойдаланиш усуллари ҳақидаги фан.

80. *Итерация* (лот. *iteratio* - такрорлаш), ниманидир такрорлашни қўллаш.

81. *Ишонтира олиш* — ахборот оқимининг шахе томонидан танқиддан холи, эркин равишда ўзлашишига эришишни кўзлаган руҳий таъсир этиш услубиёти.

82. *Ишонч ҳосил қилиш* - шахснинг муайян қоида ва талабларини онгли равишда ўзлаштириш воситасида тарбиялаш услубиёти. Тегишли маълумотлар ва далилларга асосланиб, шахснинг ўз ҳукми ва ҳулосалари тўғрилигига ишончни юзага келтириш жараёни ва натижалари.

83. *Ичиқоралик* - ўзгаларнинг муваффақиятсизлигидан севиниш.

84. *Ички ҳолат (мавце)* - шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ва ҳаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмуни ва йўналганлигини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлари тизими.

85. *Истиқболни белгилаш малакаси* - ижтимоий ва билиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш.

86. *Иқтидор* — ниҳоятда кўп маъиоли атама бўлиб, фаолиятни бажаришни муваффақият даражасини тушунтиради. Кундалик психологияда - истеъдод синоними, у ёки бу фаолиятда буюк ютуқлар учун шарт.

К

87. *Калокагатия* — гўзаллик ва олийжаноблик ҳамда жисмоний ва маънавий бойликлар бирлиги.

88. *Касбий билимдонлик* - педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.

89. *Касбий — педагогик мулоқот* — педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий - руҳий алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, мулоқот воситалари ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади

90. *Касбий таълимнинг мақсади* - юқори малакали ва жамиятда фаол ижтимоий мослашишга, меҳнат фаолиятини бошлашга, мустақил таълим оладиган ва ўзи-ўзини такомиллаштириш қобилиятига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган шахсни тайёрлашдан иборат.

91. *Касбий ўзини-ўзи аниқлаш* — танланадиган, ўзлаштириладиган ёки бажарилаётган меҳнат фаолиятида шахсий мазмун топиш.

92. *Категория* (қад. юнонча катг)уор{а— фикр, айблаш; белги) - бу ерда, турли аломатли, хусусиятли ўқувчи маъносида.

93. *КБИ (кузатиш, бахслашиш, ишонтириш)* - фаол ҳаётий ҳолатни, сардорлик сифатларини, жамоада ишлаш кўникмаларини ҳамда ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда далиллаш, ишонтириш, асослаш, мунозара олиб бориш маҳоратини, мурасага келиш ва излаш қобилиятларини шакллантиришга йўналтирилган.

94. *Кейс метод* (ингл. *Case meIBoй* - кейс-метод, Сазе-5Шoly- кейс-стади, аниқ вазият методи, вазиятли таҳлил методи) - реал иқтисодий, ижтимоий ва тижорат вазиятларининг тавсифларни фойдаланувчи ўқитиш техникаси. Уқувчилар вазиятни таҳлил қилишлари, муаммо моҳиятини тушунишлари, мумкин бўлган ечимларни таклиф этишлари ва уларнинг энг яхшиларини танлашлари керак. Кейслар реал фактик ёки реал вазиятга яқин бўлган материалларга асосланади

95. *Кибернетика* - турли тизимларни бошқаришга оид умумий қонунларни ўрганадиган фан.

96. *Кибернетик ёндашувда* ўқитиш тўғри (буйруқларни юбориш) ва бошқарувчи марказ - ўқитувчи - ва бошқарилувчи объект - ўқувчи бўлган тесқари алоқада бошқариладиган мураккаб ҳаракатчан тизим сифатида қаралади.

97. *Кириш назорати* - ўқувчиларнинг предметни ўрганиш учун зарур бўлган асосий билим ва кўникмалар назоратидир. Назоратнинг бу тури модулнинг асосий курси бўйича зарур дастлабки билим ва кўникмаларни аниқлаган, бажарилиши модул мазмунини ўзлаштирганлигини ифодаладиган шахсий вазифаларни аниқлаган ҳолда, ташкилий масалаларни мажмуавий ечиш имкониятини беради. Кириш назорати биринчи модулни ўрганишдан олдин матн, диктант, баён, иншо ёки суҳбат шаклида ўтказилади.

98. *Кичик гуруҳларда ишлаш* - таълим тизимида энг оммалашган усуллардан бири бўлиб, барча ўқувчиларга (шу жумладан, уятчан) вазифалар бажаришда қатнашиш имкониятини, ҳамкорлик кўникмаларини ишлатиш, шахслараро алоқада бўлиш

(хусусан, фаол эшитишни билиш, фикрни умумлаштириш, пайдо бўладиган низоларни ечиш) имкониятини беради.

99. *Когнитивлик* (лот. *со^пШо* - билиш, ўрганиш, тушуниш)-ташқи ахборотни аклан қабул қилиш ва қайта ишлаш қобилятини ифодалайдиган атама. Бу тушунча психологияда шахснинг психик жараёнлари ва, айниқса, ахборотни қайта ишлаш атамаларида "психик ҳолатлар"ни ўрганиш ва тушунишга кўпроқ қаратилади. Бу атама, кўпроқ билим, кўникма ёки ўқитиш тушунчаларини ўрганадиган соҳаларда ишлатилади.

100. *Когнитив* — билиш жараёни.

101. *Когнитив мақсадлар* - ўраб турган реалликдаги объектларни билиш; юзага келувчи муаммоларни ечиш усулларини ўрганиш, дастлабки манбалар билан ишлаш кўникмаларини эгаллаш; тажриба ва уни ўтказиш.

102. *Коллоквиум* (лот. *соЙоаишт*) - ўқувчининг билимини аниқдаш мақсадида, ўқитувчининг ўқувчилар билан гапи, суҳбати; имтиҳон тури.

103. *Комбинация* — умумий маънода— турли элементларни бир объектда ўринлаштириш.

104. *Компетенция* (лот. *котре(о* — эришаман, мое келаман, тўғри келаман). Аниқ ташкилотга ёки лавзимдаги шахсга қонун, низом ёки бошқа ҳужжат билан тақдим этилган ваколат.

105. *Коммуникация* (лот. *соттингсайо* -маълум қилиш, узатиш) - гуруҳ иштирокчилари орасида ахборот алмашиши (мулоқот).

106. *Коммуникация* - (лот. *соттингсайо* - маълум қилиш, узатиш ва *соттитсаге* дан— умумлаштириш, суҳбат қилиш, боғлаш, дарак бериш, топшириш) - маъноси ижтимоий ўзаро таъсир. Ҳар қандай шахсий ҳаракат бошқа инсонлар билан бево-сита ёки билвосита муносабатлар шароитида амалга оширилиши туфайли, у коммуникатив (жисмоний қаторида) йўналишни ўзига олади.

107. *Компьютерли ўқитиш тизимлари* - ўқувчиларни (ёки фойдаланувчиларни) компьютерда ўқитишга мўлжалланган дастурий мажмуа. Ўқитиш тизимининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва улар олган ахборотларни ўзлаштириш қобилятларига қараб билимларни самарали узатишдан иборат.

108. *Комулятив* (лот. *ситЫайо* - катталашиш, тўпланиш) - жамланган.

109. *Контекст* (лот. *соп(ех(из* - бирлашиш, алоқа) - унга қирувчи сўзлар, ифодалар ва бошқаларнинг алоҳида маъноси ўзининг доирасида аниқ намоён бўладиган нисбатан тугалланган ёзма ёки оғзаки (матн) парча.

ПО. *Конструктив лойиҳалар* — аниқ ва фойдали маҳсулотни яратиш: кўёнга тузук яшаш, мактаб театрининг сценасини қуриш ва ҳоказо.

111. *Концепция* (лот. *сопсерйо* - тушуниш) - у ёки бу ходиса, жараёнларга нисбатан қарашлар тизими; қандайдир ходиса, воқеалар тушуниш, баён қилиш усули; қандайдир назарияни асослайдиган гоядир.

112. *Коррекция* (лот. *соггесЙо* - тўғрилаш, *согге^еге* - тўғриламоқ) - инсоннинг қандайдир психик ёки жисмоний ривожланишидаги камчиликларни психологик-педагогик таъсир воситалари ва даволаш тадбирлари билан тўғрилаш ёки кучеизлантириш (масалан, нутқни коррекцияси).

113. *Креатив* - (яратувчанлик, ижодкорлик)— шахснинг, анъанавийдан ёки фикрлаш схемасидан четланадиган ва мустақил омил сифатида иқтидорлилар таркибига қирувчи тубдан янги гояни қабул қилиш ва яратишга, шунингдек, статик тизимлар ичида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этишга тайёрлигини ифодалайдиган қобиляти.

МА.Креативлик - бетакрор кадрятлар яратувчи, нестандарт ечимлар қабул қилувчи шахснинг ботиний қобиляти.

115. *Креатив мақсадлар* - ижодий, конструкциялаш, моделлаш, лойиҳалаш ва ш.к. бўлиши мумкин.

116. *Қузатиш* - бирор педагогик ходиса бўйича аниқ далилий материал олиш мақсадини қўзлаган идрок этиш шакли.

I П. Қузатиш — илмий тадқиқот услуги, турли табиий шароитларда инсоннинг хулқи ва фаолиятининг далиллари ҳақида мақсадли маълумотлар тўплаш.

118. *Кўникма* (билимдонлик) - эгалланган билим ва ҳаётий тажриба асосида тез, аниқ, онгли равишда бажариладиган амалий ва назарий ҳаракатларга тайёрлик. Билимдонлик машқлар орқали шаклланади ва ҳаракатлар бажариш имконияти яратилади.

119. *Кўникма* — ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш усул (йўл, ҳаракат)ларини эгаллаш.

120. *Логопедия* — ўрганиш доирасида нутқ бузилиши, уларни аниқдаш, олдини олиш ва тузатиш тамойиллари ва услубларини ишлаб чиқиш.

121. *Лойиҳали ўқитиш* - ўқувчини лойиҳали фаолиятини шакллантириш, уни лойиҳалашга ўргатиш имкониятини берадиган барча дидактик, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарувчи воситаларнинг мажмуаси.

122. *Локал* - (ингл. *Local*) — маҳаллий.

123. *Локал (модуллиқ) технология* - ўқув-тарбия жараёнининг махсус бўлимларига педагогик технологияни тадбиқ қилишни ифода қилади. Бу технология хусусий-дидактик ва тарбиявий вазибаларни ҳал қилишга қаратилади.

М

124. *Маданият* — жамоавий-тарихий амалиёт жараёнида инсонзот томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятларнинг йигиндиси.

125. *Маъруза* — ўқитувчи томонидан ўқув материални, одатда назарий материални тизимли, кетма-кет, монологик баён қилиш. Маърузанинг: кириш, бош талабаларидан бири - баён қилишни тўлалиги ва тизимлилиги, унинг тузилиши эса, ўқув материалининг хусусиятларига ва дидактик мақсадларга боғлиқдир.

126. *Макро* (юнонча *μακρος*; (*макрос*)— катта, узун) — катта ўлчам ёки катта миқдорни ифодаловчи мураккаб сўзларнинг бошлангич қисми.

127. *Малака* - автоматлашган ҳолатга келтирилган ҳаракат. Малака кўп маротаба такрорлаш натижасида шаклланади.

128. *Мафкура* — гоя ва қарашлар тизими.

129. *Мақсад* - фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

130. *Мақсад* — инсон фаолияти истаган келажакдаги натижасининг идеал образи; фаолиятнинг якуний натижаси ҳақида англаниган тасаввур (натижа билан ҳар доим бир хил бўлавермайди). Педагогик мақсад-педагогик фаолиятнинг истиқболини белгилаш натижаси (ўқувчиларда ўзгаришлар). Мақсадни турли кўринишлари мавжуд: стратегик, тактик, гуруҳий, яққа.

131. *Мақсад қўйиш* — педагогик мақсадларни кўтариб чиқиш ва асослаш, уларга эришиш йўлларини танлаш, кутиладиган натижани лойиҳалаш (келажак дастури аниқланади, келажак ҳақида тахмин қилиш) усули.

132. *Мақтов* - фойдали иш қилган шахсни ёки жамоани оғзаки тақдирлаш.

133. *Мезо..* (юнонча *μέσος* — ўртача, оралик), ниманидир ўртача қийматини ёки оралик ҳолатини ифодаловчи мураккаб сўзнинг қисми (масалан, мезодаража, яъни ўртача даража).

134. *Менталитет* — инсонларнинг шахсий ва жамоавий онги, уларнинг ҳаётий ҳолатлари, маданияти, ижтимоий муҳити, миллий анъаналарига мое ҳулқ моделлари хусусиятларидир. Менталитет инсоннинг ижтимоийлашувини хусусиятларига табиатлари, унинг автономлиги ва ўз турмуши ҳақида гувоҳдик беради.

135. *Метод* — (юнонча *μεθoδoς* - баён қилиш йўли, усули, тадқиқот) - табиат ва жамият ҳодисаларига ёндашув; объектив ҳақиқийликнинг ривожланиши энг умумий қонуниятлардан ва тадқиқ қилаётган предмет, ҳодиса, жараён махсус қонуниятларидан келиб чиқадиган мақсадга эришиш йўли, назарий тадқиқот ёки ниманидир аниқ амалга ошириш усули.

136. *Метод* — илмий билиш, эришиш усули, йўли; аниқ йўл билан фаолияти тартиблаш мақсади.

137. *Метод* — табиат ва жамиятни билиш, тадқиқ қилиш усули, ҳаракат йўли, усули ёки тасвири.

138. *Методика* - ўртача иқтидорли фойдаланувчига услубика муаллифи бўлмаганда, аниқ бир синф масалаларини ечиш эҳтимоллигини кўтарадиган қандайдир қоида, алгоритм ва ҳоказолар тўпламидир. Хусусий ва энг мураккаб ҳолда бу масалалар ижодий (нестандарт, креатив) бўлиши мумкин.

139. *Методика* - услубнинг аниқ, усқунавий тавсифи.

140. *Методика* — услубнинг хусусий варианты, ностандарт тадқиқот услуби.

141. *Муомала* — турли эҳтиёжлар туфайли пайдо бўлган ва ўзига ахборот алмашиниш, биргалиқда қарор қабул қилиш, ўқув ва бошқа инсонни тушуниш ва ш.к. инсонлар орасидаги алоқаларни ўрнатилиши ва ривожланиши жараёни.

142. *Методология* - назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш ва куришнинг тамойил ва усуллари тизимидан, шунингдек,

ушбу тизим ҳақидаги таълимотдан иборат (Философский энциклопедический словарь, 1983, 365 бет).

143. *Методология* - энг умумий тамойиллар тизими; аниқ фан ёки предмет ҳақидаги таълимот. Аниқ фаннинг услубологияси қатор махсус муаммолар билан шуғулланади. Уларнинг ичида энг зарури куйидагилар:

- тамойил, концепция, назария, ёндашувларнинг тахлили;
- билиш жараёнининг тушунчавий аппаратини ва мое атамаларни, тадқиқот тилини қайта ишлаш;
- тадқиқот жараёни, унинг босқичлари ва фазаларини тавсифлаш ҳамда тахлил қилиш;
- турли услуб, процедура, технологияларни қўлланиш соҳаларини ўрганиш;
- алоҳида услубларни (умумийдан хусусийгача) ишлаб чиқишдир.

144. *Методология* - жуда кенг маънода услуб ҳақидаги фан, жамловчи услуб тушунчасини аниқлаштирилиши концептуал аппаратда, илмий ҳамжамият тушунчасида, дунёнинг илмий кўринишида, илмий ёндашиш ва концепцияларда, илмий технологияларда, услубларда, тадқиқот дастураларида, стандартларда, услубикаларда, меъёрларда очилади.

145. *Микро*. (қад. юнонча *μικροδ* — кичкина) - микронни миллион марта кичиклаштирилганлигини ифодалайди.

146. *Мифология* - қадимги дунё халқларининг дунё ва табиат ходисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, худолар ва қахрамонлар ҳақидаги ривоятлари, афсоналари, бу афсонада қадимий халқларнинг дунё ва худолар ҳақидаги ибтидоий тасаввурларининг акс эттирилиши.

147. *Мобиллик* (лот. *mobilitas* — ҳарактланувчан) - ҳаракатланиш, тезликда ҳаракатланиш, ишлаш қобилияти.

148. *Моделлаштириш* - билиш объектларини уларнинг моделлари ёрдамида тадқиқ қилиш, мавжуд предмет ва ходисаларнинг моделларини яшаш ва ўрганиш.

149. *Модель* (фр. *modèle*, лот. *modus* — «ўлчов, аналог, намуна») - бу ҳақиқий қурилманинг ва /ёки унда кечаётган жараёнларни, ходисаларни соддалаштирилган ифодаланишидир.

150. *Модернизация* — 1. Объектни такомиллаштириш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрлар, техник шароитлар, сифат кўрсаткичлари билан мослаштиришга олиб келиш. Асосан маши-

налар, жиҳозлар, технологик ва таълим жараёнлари модернизация қилинади; 2. Тарихий-фалсафий маъноси — анаънавий жамиятдан модерланган жамиятга, агрардан - саноатлашганга ўтиш макрожараёни.

151. *Модул* - лот. *modulus* — «кичик улчов».

152. *Моно* - "Бир" ни ифодаловчи сўзга қўшимча.

153. *Мотив* - маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

154. *Мотивация* (ингл. *motivation*) - ҳаракатни рағбатлантириш, хоҳиш пайдо қилиш; инсон ҳулқининг бошқарувчи, унинг йўналганлигини, ташкил этилганлигини, фаоллигини ва мустақамлигини аниқловчи психофизиологик йўналишдаги динамик (ўзгарувчан) жараён. Мотивация: ички ва ташқи, ижобий ва салбий, мустақам ва қалтис бўлиши мумкин.

155. *Мотивация* - шахени фаол хатти-ҳаракатларга ундовчи сабаблар, асослар тўплами бўлиб, у айни замонда киши ҳулқини физиологик ва психологик бошқаришнинг динамик жараёнини ҳам билдиради ва фаолиятининг йўналишини, фаоллигини, уйғунлигини ва тургунлигини белгилайди.

156. *Муаммо* (юнонча *μύημα* - масала), кенг маънода - ўрганиш, ҳал этиш талаб этиладиган мураккаб назарий ва амалий масала; фанда - қандайдир ходиса, объектлар, жараёнларни тушунтиришда қарама-қарши ҳолат кўринишида келадиган ва уни ҳал этишга адекват назария талаб этиладиган қарама қарши вазият.

157. *Муаммоли вазият* - ўқув вазияти бўлиб, у машаққат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

158. *Муаммоли услублар* - муаммоли вазиятлар яратишга, ўқувчиларнинг билимларини фаоллаштиришга замин яратадиган мураккаб масалаларни излаш ва ечишга, тахлилга, алоҳида далиллар ортида ходиса ва қонунларни кўра олишларга асосланган услублардир.

159. *Муаммоли таълим** - бу ўқитувчининг ўқувчиларни кетма-кет муаммоли вазиятлар тизимини олдиндан ўйлаб қўйилган яратиш йўли билан муаммоли ўргатиш шартларини таъминлаш ва уларни ўқувчилар томонидан ҳал этиш жараёнини бошқариш фаолиятидир.

160. *Муаммоли ўқитиш* - бу ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазиятлар қўйиш ва уларни ечиш бўйича ўқувчиларни, натижада, ижодий равишда касбий билим, малака ва кўникмаларга

эга бўлиш ва аклий қобилиятларини ривожланиши ҳосил бўладиган фаол мустақил фаолиятини яратишни кўзда тутадиган ўқув машғулотларини ташкил этиш тушунилади.

161. *Мулоқот* — одатда, қатнашчиларнинг ўзаро гаплар билан алмашиб турадиган ва уларнинг ҳолатларини психологик тенглигига таянадиган муомала қилиш шакли.

162. *Мулоқот* - ўқувчиларни дарс жараёнида диққатини ўзига жалб этиш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, уни ташкил этишни ўргатишга қаратилган.

163. *Мулоқот* — кишиларнинг ўзаро муомалаларида ахборотлар алмашиш тавсифи.

164. *Мулоқотнинг етакчи тури* - ривожланишнинг маълум бир даврида атрофидаги кишилар билан муомалада етакчилик қиладиган мулоқот тури бўлиб, унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шаклланади.

165. *Мулоқот кўникмаси* — муомала қила олиш ва педагогик техника малака ва кўникмаси.

166. *Мулоқот фаолияти* — педагогнинг тарбияланувчилар, бошқа педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан мақсадга мувофиқ ўрнатган муносабатлари.

167. *Мураббий ва жамоа* - мураббий ва жамоа билан ишлаш муаммолари моҳиятини аниқдаш малакасини шакллантириш, унинг ечимини излаш ва топишга йўналтирилган.

168. *Мунозара* — гуруҳда қарор қабул қилиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш усули; ўқувчиларни ҳақиқатни жамоавий излаш ҳисобига ўқув жараёнини жалаллиги ва самарадорлигини кўтарадиган ўқитиш услуги.

169. *Мунозара* — 1) матбуотда, суҳбатда бирор баҳсли масалани муҳокама қилиш, баҳс; 2) муайян муаммо бўйича фикр алмашишга асосланган таълим услуги.

Н

НО.Натижани қайта ишлаш — тадқиқот ўтказишнинг эмпирик маълумотларни йиғишдан кейинги мажбурий босқичларидаан бири. Сифатли кўрсаткичлар ва математик усуллар ва услублар (тўпланган балларни жамлаш, статистик кўрсаткичларини, дисперсияни, корреляцион таҳлил, рефессия ва кластерли

тахдил ҳисоби ва бошқ.) учун, микдорий натижалар учун мантикий усуллардан (синфларга ажратиш, гуруҳлаштириш, таққослаш, танлаш ва ш.к.) фойдаланишни кўзда тутди.

ПХ.Назоратнинг мақсади - ўқув жараёнининг турли босқичларида ўқувчилар эгаллаган билимларни ўзлаштирилганлик ҳолатини ва ўзлаштирилган билимлар даражасини қўйилган педагогик мақсадларга мое келишини аниқдаш чора-тадбирларидир.

172. *Низо (зиддият)* - қарама-қарши қарашлар, фикрлар тўқнашуви, жиддий зиддият, қизгин баҳс.

О

173. *Образ* - моддий дунёнинг предметлари ва ходисаларини инсон миясидаги аксланишининг натижаси ва идеал шаклидир. Образли фикрлаш даражасида - тушунча, фикр юргизиш, хулоса қилишдир. Мазмунан образ объектни адекват акслантиш ўлчамида объективдир.

174. *Объект* (лот. *обЪесШт* • — нарса) — у ёки бу фаолиятга йўналтирилганлик (ёки ушбу фаолият томонидан яратганлик); кенг маънода - умуман ихтиёрий предмет.

П5. Инсон — фикрлаш ва нутқ қобилиятига эга бўлган, қурол яратиш ва улардан жамоавий меҳнатда фойдалана оладиган тирик мавжудот; биоижтимоий мавжудот, тарихий фаолият ва билиш субъекта.

176. *Одат* - кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан келиб чиқиб, амалга оширадиган онгли фаолияти..

ХП.Оила — ижтимоий бирликнинг кўриниши, шахсий ҳаётни ташкил этишнинг муҳим шакли, эр-хотинлик бирлигига, қариндошлик алоқасига ёки бола қилиб олишга асосланган кичик гуруҳ.

178. *Олигофренопедагогика* — махсус педагогика соҳаси, аклий заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фан.

179. *Оралиқ назорат* - модулни бутунлай ўзлаштирилганлигининг назоратидир. Унинг натижалари модулни ўқувчи томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини кўрсатади, кейинчалик тўғриланадиган ва кейинги модулни ўрганишга тўсқинлик қиладиган қийинчиликлар аниқланади. Уни ўтказишда озгаки ёки ёзма кўринишдаги коллоквиумлардан фойдаланиш мумкин.

П

МО. Парадигма (юнонча **-яра5e1yшx**, «мисол, модель, намуна») — илмий ҳамжамият томонидан қабул қилинадиган ва ажратиладиган ҳамда унинг кўпчилик аъзоларини бирлаштирувчи фундаментал илмий кўрсатмалар, тасаввурлар ва атамалар тўпламидир.

181. *Педагог* - тарбиячи, ўқитувчи, даре берувчи.

182. *Педагогнинг мулоқот маданияти* - педагогнинг кишилар билан қисқа муддатда мулоқот ўрната олиши, улар билан мулоқот ўрнатишга бўлган доимий интилиши.

183. *Педагогика* — педагогик жараённинг ривожланиши моҳияти, қонуниятлари, тенденциялари ва истиқболларини ўрганувчи фан.

184. *Педагогик воситалар* — педагогик фаолиятнинг куроли, аслаҳаси сифатида фойдаланиладиган (компьютер, проектор, электрон доска, телевизор, магнитофон, спорт куроллари, имо-ишора ва бошқалар) ҳақиқий борлиқнинг моддий ва номоддий элементлари.

185. *Педагогик жараён* - таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

186. *Педагогик жараён* — омиллари педагогик мақсад бўлган ташкил этувчили, педагог ва ўқувчининг ўзаро таъсири умумий сифат бўлган тизимларнинг, динамик тизими.

187. *Педагогик жараённинг қонуниятлари* — уларга педагогик мақсадларнинг йўналганлиги ва муваффақияти билан боғлиқ бўлган муҳим ички ва ташқи алоқалар. Ташқи: мақсад ва вазифаларни аниқлашдаги жамият ва шахснинг қизиқишларини ҳаракатлантиш; иқтисодий, сиёсий ва маънавий омиллар билан алоқадорлиги. Ички: тарбияланувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларига боғлиқлиги; иштирокчилар ҳаракатларининг бирлиги; таълим, тарбия ва ривожланиш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги; мақсад, шакл, услуб ва мазмуннинг бирлиги.

188. *Педагогик инновация* - таълим тизимининг алоҳида қисмлари ва ўзининг табиатини яхшилайдиган янгилик стабил элементларини таълим жараёнига киритадиган мақсадли ўзгартиришдир.

189. *Педагогик инновация* - бу учта даражалар: макро-даража, мезодаража ва микродаражада амалга ошириладиган назарий асосланган, мақсадга йўналтирилган ва амалиётга мўлжалланган янгиликдир.

190. *Педагогик масала* - педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимидир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлиқ тафаккур қилинадиган педагогик вазиятдир. Таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадини кўзлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилган вазиятдир.

191. *Педагогик маҳорат* — педагогик жараённинг юқори самарадорлигини аниқлайдиган шахснинг шахсий-ишчанлик сифатлари ва хусусиятлари синтези. Педагогик маҳоратнинг тўртта нисбатан мустақил элементини ажратиш мумкин: болалар жамоавий ва шахсий ташкилотининг маҳорати; ишонтириш маҳорати; билимларни узатиш ва фаолият тажрибасини шакллантириш маҳорати; педагогик техникани эғалаганлик маҳорати.

192. *Педагог нуқтаи назари (ҳолати)* - педагогнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараёнга бўлган ақлий ва ҳиссий муносабати.

193. *Педагогик такт* - ўқувчилар фаолиятининг турли доираларида улар билан мулоқотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови, ўқувчилар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, тўғри мулоқотда бўла олиш малакаси.

194. *Педагогик таъхис (диагностика)* - ўқувчиларнинг характери ва қобилияти, ўқишидаги қийинчиликлари, ҳулқидаги четланишларнинг ҳажмини аниқлашдан иборат. Педагогик таъхис ўқувчилар томонидан мактаб дастурларини ўзлаштирганлик маълумотларини, уларнинг ўқишларини, фаолиятларини кузатиш, унинг натижаларини ўрганиш асосида қўйилади.

195. *Педагогик техника* - алоҳида тарбияланувчига ҳам, умуман болалар жамоасига ҳам танланадиган педагогик таъсир услубларини амалиётда самарали қўллаш учун педагогга зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар мажмуасидир. Педагогик техника эғалланган педагогик маҳоратни асосий қисми ҳисобланади. Педагогдан психология ва педагогикадан чуқур махсус билимларда ташқари алоҳида амалий тайёргарликни талаб этади.

196. *Педагогик техника* - 1. Ҳар бир таълим олувчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишда самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар мажмуаси; 2. Ҳар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар.

197. *Педагогик технология* - режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиладиган педагогик жараённинг тавсифи (И.П. Волков).

198. *Педагогик технология* - зарур шароит яратиш орқали ўқувчи ва ўқитувчининг ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир (В.М. Монахов).

199. *Педагогик технология* - бу таълимнинг самаралироқ шаклига эришишга қаратилган тизимли режалаштириш услуги, ўқитиш жараёнини тўлиқ қўллаш ва баҳолаш, инсон ва техник ашёлар ўамда улар орасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги билимларни ўзлаштиришдир.

200. *Педагогик технология* - психологик ва педагогик ўғитлар йигиндиси бўлиб, шакл, услуб, усул ва ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни пайтда, у педагогик жараённинг ташкилий-услугик омилини ҳам билдиради (Б.Лихачев).

201. *Педагогик технология* - муаммоларни таҳдил қилиш ва режалаштириш, таъминлаш, баҳолаш ва бошқариш учун инсонларни, гоаяларни, воситаларни ва фаолиятни ташкил этиш усулларини ўз ичига олган, билимларни ўзлаштириш ва муаммони ечишни бошқаришнинг барча йўналишларини қамраб олган мажмуавий, интегратор жараёндир (АҚШнинг педагогик коммуникациялар ва технологиялар ассоциацияси).

202. *Педагогик технология* - ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмунли техникаси (В.П. Беспалько).

203. *Педагогик технология* - таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равишда ривожлантириш тизими лойиҳасидир (муаллифлар).

204. *Педагогик технология* - олдиндан эришиш мўлжалланган, ўқитиш натижалари қафолатланган ўқув-тарбия жараёни лойиҳалаштиради ва жорий этади. Бундай қафолатларнинг муҳим

омиллари аниқ қуйилган мақсадлар, рационал бошқариш ва тезкор тесқари алоқадан иборат (умумлаштирилган, муаллифлар).

205. *Педагогик технология* - 1. Олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараёни амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизими; 2. Таълим ва тарбия услубиётларининг у ёки бу тўпланини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизими; 3. Педагогнинг ютуқларига қафолат берадиган аниқ ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лойиҳалаштирилган педагогик ҳаракат; 4. Таълим шаклларини муқобиллаштиришга қаратилган ва техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубиёти.

206. *Педагогик тизим (тизим)* — тўлиқ педагогик жараёнда мавжуд бўладиган шахсни ривожлантириш ягона таълим мақсадида бирлаштирилган ўзаро боғлиқ тузилмали компоненталар тўплами.

207. *Педагогик фаолият* - бу авлоддан авлодга маънавий-амалий тажрибани узатишда инсонлар орасида ҳосил бўладиган муносабатларни таъминлайдиган фаолиятдир. Педагогик фаолият икки қиём: илмий ва амалийдан иборат. Педагогик фаолиятни педагогик (қасбий) таълимга эга бўлган ижтимоий билимли инсон амалга ошириши. Педагогик фаолият предмета барча ажратиб олинган ва кичик авлодга узатиш учун мўлжалланган махсус қайта ишлаш қўйилган мақсадга эришишга имконият берадиган маданият қисмидан иборат. *Педагогик фаолият* натижага, мое мақсадга олиб келадиган амаллар йигиндиси орқали амалга оширилади. Бу тўплам педагогик фаолиятнинг икки: *илмий ва амалий* кўринишларини ифодалайди. *Илмий педагогик фаолият* - катталар ва болалар ҳамда уларнинг ривожланиш шаклларининг педагогик муносабатлари ҳақида янги билимлар олиш кўзланган педагогик фаолият кўринишидир. Илмий педагогик фаолият икки: *назарий ва экспериментал* кўринишларга эга. *Амалий педагогик фаолият* - катта авлодни кичик авлодга маданиятнинг зарурий қисмини узатиш мақсадини кўзлаган педагогик фаолиятнинг кўринишидир. Амалий фаолият ўқув ва тарбиявий кўринишларга эга (Писарев В.Е., Писарева Т.Е., Теория педагогики - Воронеж: Кварта, 2009.- 612 бет).

208. *Педагогик каровсизлик* — мухитнинг салбий таъсири ва тарбияда йўл қўйилган хатолар ҳисобига юзага келган болалар ва ўсмирларнинг ахлокий англашида ва хулқидаги меъёрлардан турғун четланишлар.

209. *Педагогик ҳаққонийлик* - тарбиячининг ҳаққонийлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

210. *Педология* — болани турли ривожланиш боскичларида (социологлар, психологлар, педагоглар, тиббий ходимлар, физиологлар ва бошқалар томонидан олинган бола ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш) тўлиқ ўрганиш ҳақидаги фан.

211. *Прагматика* (юнонча праҗта - иш, ҳаракат) - семиотиканинг бир бўлими бўлиб, қандайдир белгили тизимни белгили тизимни ўзига қабул қиладиган ва қўллайдиган субъектларнинг муносабатларини ўрганади.

212. *Прогноз* (юнонча лрбуусаоц— кўра билиш, олдиндан айтиш)— илмий услублар ёрдамида келажакни олдиндан айтиб бериш, шунингдек, олдиндан айтиб беришнинг натижаси.

213. *Профессиограмма* — инсонга у ёки бу мутахассислик, касб талаб қўядиган касб ва талаблар тизими ҳақидаги билимлар йиғиндиси. Профессиограмма ўз ичига меҳнат фаолиятининг техникавий-иктисодий, ижтимоий-психологик, санитариявий-гигиеник тавсифномаларини қамраб олади. У қайси масалаларга мўлжалланганлигига қараб турлича бўлиши мумкин: касбий танлаш учун, касбга йўналтириш учун, касбий ўқиш учун, касбий мослашув учун ва ҳоказо.

214. *Псевдо* - от ва сифатга қўшилганда, сохта, ёлғон қийматли от ёки сифат ҳосил бўладиган қўшимча.

215. *Психология* - 1) шахснинг ҳақиқий борлиқни фаол акс эттириш жараёнини ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган рухий жараёнлар тўплами; 3) рухият, табиат хусусияти, қўнғил хазинаси.

Р

216. *Режаланштириш* — ишнинг кейинги йўлини, унинг умумий стратегик йўналишида ва қисмларида акслантириш жараёни.

217. *Репродуктив* (янги лот.- ге - яна, тагин, ргоа'исеге-чиқармок) - ишлаб чиқарувчи.

218. *Рефлексия* (лот. гфехю— оркага мурожаат) - инсон диққатини ўзини-ўзига ва ўзининг шахсий фаоллигига қаратиш, шунингдек, уларни қандайдир қайта тушуниш.

219. *Рефлексия* — субъект томонидан ички психик амаллар ва ҳолатларни ўзи билиш жараёни.

220. *Ривожланиш* — фалсафий аспектда бу моддий объектларни қайтарилмайдиган қилиб йўналтирилган, натижада, объектнинг янги сифатли ҳолати пайдо бўладиган қонуниятли ўзгартиришдир. Шахснинг ташқи ва ички, бошқарилувчи ва бошқарилмайдиган ижтимоий ва табиий омиллар таъсирида ўзгариш жараёни. Ривожланиш инсонда микдорий ва сифатли ўзгаришни кўзда тутди.

221. *Ривожлантиришнинг ҳаракатлантириш кучлари* — пайдо бўладиган зарурат ва уларни қаноатлантириш имкониятлари орасидаги қарама-қаршилик.

222. *Роль ижро этиш* — қатнашувчиларнинг якка ва гуруҳ бўлиб турли ролларда (сахнада) чиқиши, образга кириши.

223. *Ролли лойиха* - адабий, тарихий ва шунга ўхшаш. Охиригача натижалари очик бўлиб қоладиган ишчан ролли ўйинлар.

224. *Роль* — тузилишида аниқ бир ўрин эгаллайдиган гуруҳ аъзоси хулқининг меъерий қўлланган шаклари ва у билан боғлиқ ҳуқуқ ҳамда вазифалари тизими. У бошқа гуруҳ аъзолари томонидан мое кутиш борлигини кўзда тутди, гуруҳда аниқ бир роль бажараётган инсонга нисбатан эса, у билан боғлиқ мақсад, хоҳиш, сезиш ва ижтимоий кўрсатмалар белгиланади.

С

225. *Сардор (лидер)* — аъзоларининг фикри ва хулқида етарлича таъсир эта оладиган ва раҳбар вазифаларига ўхшаш вазифалар мажмуасини бажарадиган, юқори мавқени эгаллаган гуруҳ аъзоси.

226. *Семиотика ёки семиология* (юнонча отшегаткп., от кад. юнонча стпцею— белги, аломат) - белги ва белгили тизимларнинг ҳоссаларини ўрганувчи фан (табиий ва сунъий тиллар).

227'. *Синергетика* (қад. юнонча *стоу*—мослик қийматли кўшимча ва еруоу -"фаолият") - илмий тадқиқотларнинг предметларо йўналиши бўлиб, унинг вазифаси табиий ҳодисалар ва жараёнларни тизим (тизим остилардан ташкил топган)ларнинг ўзини-ўзи ташкил этиш тамойили асосида ўрганишидир. "...ўзини-ўзи ташкил этиш ва пайдо бўлиш, турли-туман табиатли тузилмаларни қўллаб-қувватлаш, турғунлик ва бўлиниб кетиш жараёнлари билан шуғулланувчи фан".

228. *Синергетик ёндошув* - таълим муҳитининг ривожланишини моделлаштириш ва ташхис қўйишда синергетик ғоялардан фойдаланиш; таълим мазмунида синергетика ғоялари мослашувларининг дидактик йўналишлари; синергетика ғояларидан ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда фойдаланишидир.

229. *Синф* — 1. Ягона ўқув дастурида ишлаётган ўқув йил мобайнида доимий бўлган ўқувчилар гуруҳи. Синфда ўқув-тарбия жараёнининг умумий раҳбарлигини синф раҳбари амалга оширади; 2. Мактабда махсус жиҳозланган ўқув хонаси. Синф хоналари ўқитиш босқичларига мое равишда тақсимланади. Юқори ва ўрта синф ўқувчилари учун кабинет тизими кўзда тутилган.

230. *Синф-дарс тизими* — ўқувчилар ёшлари ва билимлар даражасига мое равишда алоҳида синфларга гуруҳданадиган ўқув жараёнини ташкил этиш. Ўқитишнинг асосий шакли - даредир. Ҳар бир синфда ўқитишнинг мазмуни ўқув режа ва дастурларда аниқланади. Дарслар ўқув режалар асосида тузилган жадваллар бўйича ўтказилади.

231. *Система* (қад. юнонча - *егбо-тпца*— қисмлардан тузилган бутун; бирлашма)— аниқ бир бутунликни, бирликни ташкил этадиган ўзаро муносабатларда ва алоқада жойлашган элементлар тўпламидир. Ихтиёрий тизимда қандайдир вазифаларни бажарадиган ва ўзаро таъсир қиладиган алоҳида қисмларини ажратиш мумкин. Ихтиёрий тизимни каттароқ тизим - тизимустеки супертизимнинг элементи (компонентаси) сифатида караш мумкин. "Тизим" атамаси ҳам реал, ҳам абстракт объектларни ифодалайди ва бошқа тушунчаларни, масалан, ахборот тизимси, педагогик тизим, сиёсий тизим ва ш.к. тушунчаларнинг ҳосил бўлишида фойдаланилади.

232. *Статус* (лот. *8Ших* - ҳолат, мавқе, вазият) — кўп маъноли атама бўлиб, умумий маънода объект ёки субъект параметрлари мустаҳкам қийматларининг йиғиндисини ифодалай-

ди. Соддалашган нуктаи назардан объект ёки субъектнинг мавқеи - тузилишдаги, тизимдаги ҳолати, мавқеи.

233. *Стратегия* (қад. юнонча *отратпуш*,— саркарда санъати)— узоқ вақт даврини камраган қандайдир фаолиятни умумий, деталлаштирилмаган режаси, мураккаб мақсадга эришиш усули.

234. *Стресс* (ингл. *зтгезз* - кучланиш) - кучли таъсир остида инсонларда ёки ҳайвонларда пайдо бўладиган кучланиш ҳолати.

235. *Субъект* (лот. *зиБ/есШт* — эга) - фаоллик манбаси, иштирок этувчи. Одатда, фаоллик инсонда нмаён бўлиши туфайли, кўпинча, бевосита унинг ўзи субъект, деб номланади.

236. *Суггестия* - уқтириш, тўла ишонч ҳосил қилиш.

2Б1.Сухбат - кузатув чоғида етарли даражада аниқ бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланадиган тадқиқот услубиёти.

238. *Суров* — респондент (сўраладиган)лар сўзларидан объектив ва субъектив далиллар ҳақида ахборот олиш услуби.

Т

239. *Табакалаштирилган ёндошув* — тузилишли ёки норасмий бирлашмалар сифатида ёки болалар ҳамжамиятида мавжуд бўлган ўқувчиларнинг шахсий сифатларига кўра ўқитувчи томонидан ўқувчилар гуруҳига мақсадли педагогик таъсир. Табакалаштирилган ёндашув ҳар бир болага алоҳида эмас, баёки ўқувчиларнинг аниқ тоифаларини тарбиялаш услубларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

240. *Тадқиқот* — ўрганилаётган ҳодисанинг мавжуд бўлиш қонуниятлари, тузилиши, механизмлари ҳақида, фаолиятнинг мазмуни, тамойиллари, услублари ва ташкилий шакллари ҳақида янги билимлар олишга йўналтирилган илмий фаолит жараёни ва натижаси. Педагогик тадқиқотларнинг объектлари педагогик тизимлар, ҳодисалар, жараёнлардир. Психологик тадқиқотларнинг объектлари шахе ва гуруҳдан иборат.

241. *Тадқиқотли лойиха* - ихтиёрий муаммоларни ва илмий тадқиқотларнинг барча қоидаларига мое ҳолда қандайдир муаммони тадқиқ қилиш.

242. *Тадқиқот услуби* — ҳақиқий борлик ҳодисаларини эмпирик ва назарий билиш ва ўрганиш усуллари, процедуралари ва амаллари. Тадқиқот услубика тизими тадқиқотчининг дастлабки концепциясидан, аниқ тадқиқотнинг умумий услубологик йўналишидан, мақсадидан ва масалаларидан аниқланади.

243. *Тажриба* — махсус яратилган шароитларда илмий далиллар тўплаш услуби.

244. *Тазйиқ ўтказиш* — уятга қўйиш, айбдорлик ҳисси ёки кўнгли чўкканларнинг фикри, ҳиссиёти, интилиши ва майлини уларнинг онгидан халос қилиш.

245. *Такаббур* - ўз манфаатларини юқори қўювчи, манман шахс.

246. *Такт* - мисли қўрилмаган тарзда ўзини тута билиш.

247. *Талқин қилиш* - бирор ҳодиса ёки нарсани изоҳлаш, тушунтириш.

248. *Танишув* - ўқувчиларни бир-бири билан таништириш, дўстона муносабат ва ижодий муҳит юзага келтириш, уларнинг ижодий имкониятлари ва шахсий сифатларини очиш, жамоада ишлаш учун қулай шароит вужудга келтириш ҳамда талаба (ёки ўқувчи)лар ўртасида психологик тўсиқларни енгишга йўналтирилган.

249. *Тарбия* — 1. Шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиш; 2. Педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти.

250. *Тарбия* — инсонни ижтимоий муносабатларини ўқишда, муомалада, ўйинда, амалий фаолиятдаги турли муносабатларига киритиш орқали, уни ривожланиш жараёнини мақсадга йўналтирилган ҳолда бошқаришдир.

251. *Тарбия мазмуни* — ўқувчилар қўйилган мақсадлар ва масалаларга мое ҳолда эгаллаши лозим бўлган шахснинг билимлари, ишончлари, малакалари, сифатлари ва табиатлари, турғун хулқий одатлари тизими.

252. *Тарбия услуби* — тарбиявий масалаларни ечишнинг энг умумий усуллари йиғиндиси ва тарбиявий ўзаро таъсирни амалга ошириш.

253. *Тарбиявий тизим* — инсонларни мақсадга йўналтирилган фаолияти, қатнашувчилар орасида пайдо бўладиган муносабатларни жараёнга жорий этадиган, унинг тарбиявий

мақсадлар мажмуаси; ўзлаштирилган муҳит ва тарбиявий тизимни ҳаётийлигини таъминлаш бўйича бошқарув фаолияти. Педагогик мақсадларни амалга ошириш ва ўқувчиларнинг шахсини ривожлантиришни таъминлаш учун яратилади. Одатда, учта: оммавий мактабларнинг анъанавий тарбиявий тизими, камсонли қишлоқ мактаблари, касбий ўқув муассасалари ва ш.к. турларига ажратадилар.

254. *Тарбияни ташкил этиш шакллари* — тарбия жараёнининг иштирокчилари ўзаро таъсирининг аниқ амаллари, вазиятларини ташкил этиш тартиби; тарбиявий ишларни мазмунининг ташки ифодаланишини таъминлайдиган усул ва тарбиявий воситалар ташкилотчилик йиғиндиси.

255. *Тарбиячининг инновацион фаолияти* - ижтимоий-педагогик феномен бўлиб, ижодий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишдир.

256. *Тартиб-интизом* — инсонларнинг биргаликдаги фаолияти учун зарур тартибни ушлаб туриш ва сақлашга хизмат қиладиган инсонлар орасидаги жамоавий алоқа шакли. Предметнинг муҳим бўлими - шахс ички ишончи, шахсий ва умумий қизиқишидан келиб чиқадиган тартиби; у ёки бу жамоадаги тартиб-интизом, ташкил этилганлик, инсонларнинг жамоада шакланган меъерларига мослигини акслантирадиган ҳаёт фаолияти соҳасидаги сифатли тавсифномаси.

257. *Тафаккур* - инсон ақлий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни хис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеа-ҳодисаларни қидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур, тушунча, ҳукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

258. *Ташкилий фаолиятли мақсадлар* - ўз-ўзини ташкил этиш кўникмаларига эга бўлиш; ўз олдига мақсадлар қўя олиш; фаолиятни режалаштириш; гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, мунозаралар олиб бориш техникасини эгаллаш.

259. *Ташиқлот* — умумий мақсадларга эришиш учун меҳнат ранглари иерархияси асосида бирга ишлаётган шахсларнинг турғун тизими.

260. *Таълим* - давлат белгилаган таълим даражасини эгаллашда инсон, жамият ва давлат манфаатида мақсадга йўналтирилган тарбия ва ўқитиш жараёни.

261. *Таълим* - умумий ҳолда тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни ва натижаси, улар асосида дунёқараш, ахлоқ ва бошқа шахсий сифатларни ўқитиш мобайнида шакллантиришдир.

262. *Таълим* — тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёни ва ўзлаштириш натижаси ва ушбу асосда шахсни ривожланиш мого даражасини таъминлаш. Жамиятда инсонни ҳаётга, касбий ва меҳнат фаолиятига тайёрлашнинг зарурий шартини бўлиб хизмат қилади. Таълим олишнинг асосий йўли — педагоглар *рахбарлигида* ўқув муассасасида ўқишдир. Бундан ташқари, билимнинг турли соҳаларида инсоннинг мустакил такомиллашуви (ўзини-ўзи ўқитиш) жуда қимматлидир. Таълим даражаси ишлаб чиқариш талаблари, жамият муносабатлари, фан, техника ва маданият ҳолатига боғлиқ бўлган.

263. *Таълим вазифалари* — жамиятда маданиятни узатиш ва тарқатиш; кўрсатма, қимматли йўналишлар, ҳаётий идеалларни шакллантириш; ижтимоий селекция (ўқувчиларга табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш имконияти); таълимни ижтимоий ўзгаришларга таъсири.

264. *Таълимот* — ўқитиш жараёнининг бир томони, билимлар захирасини, уларни мустакил ўрганиш ва қўллаш усуллари эгаллашга йўналтирилган ўқувчиларнинг фаол фаолияти.

265. *Таълим мазмуни* — эгалланиши ҳар томонлама ривожланган баркамол, жамиятнинг моддий ва маънавий маданиятини тарғиб этишга ва ривожлантиришга тайёр шахснинг шаклланишини таъминлайдиган билим, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси ва хис-туйғули-эркин муносабат тажрибаларининг педагогик мослашган тизими; ўқув жараёнида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, шунингдек, дунёқарашли ва ахлоқий-эстетик ғоялар тизими.

266. *Таълим мақсади* - барча ўқувчиларни фан асосларини ўрганишини, аниқ билим, кўникма ва малакалар йигиндисини эгаллашни; маънавий, жисмоний ва меҳнат қобилиятларини ривожлантиришни; бошланғич меҳнат ва касбий кўникмалар эгаллашни таъминлашдан иборат.

267. *Таълим муассасалари* - турли даражадаги ва йўналишдаги таълим дастурларини жорий этадиган давлат, муниципал, хусусий муассасалардир.

268. *Таълим технологияси* — ўқитишнинг тўлиқ жараёнини яратиш, қўллаш, аниқлаш ва билимларни техник ва инсон ашёлари ҳамда таълим шаклини муқобиллаштирувчи ўзаро таъсири хисобга олган билимларни ўзлаштиришнинг тизимли услубидир.

269. *Таълим технологиясининг бош вазифаси* — ўқитиш ва ўқиш жараёнини муқобиллаштиришдир.

270. *Таълим тизими* — турли даражадаги ва йўналишдаги ўзвий таълим дастурлари ва давлат стандартлари йигиндисини, уларни жорий этадиган таълим муассасалари ва таълимни бошқариш ташкилотлари тармокдари.

271. *Тахлил* — объектнинг (мавҳум ва ҳақиқий) элементларга ажралиши. Кенг маънода, бу умуман тадқиқотнинг синонимидир. Ўзини тахлил қилиш - педагогик жараён самарадорлиги ошишининг, ўқитувчи касбий малакасини ўсишининг муҳим шартларидан биридир.

272. *Темперамент* - 1. Шахснинг руҳий фаолияти динамикасининг турли жиҳатларини билдирадиган тургун шахсий хусусиятларнинг қонуний муносабатлари; 2. Шахснинг динамик хусусиятлари: жадаллик, тезкорлик, даража, руҳий жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

273. *Тест синовлари* — Шахснинг психологик сифатларини баҳолаш учун мўлжалланган махсус қурол бўлиб, унга инсон жалб этиладиган назоратнинг объектив ва стандартлаштирилган процедураси (амали). У стандарт шароитларда тақдим этиладиган ва тестнинг бажарилишини махсус баҳолаш усуллари асосида ҳулқнинг хусусиятлари ўлчанадиган қатор вазифалар ёки саволлардан иборат бўлади.

274. *Технология* - ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, хусусияти, шаклини ўзгартириш услубиётлари тўплами.

275. *Технология* — қандайдир маҳсулотни олиш учун кетма-кет қўлланиладиган бир неча операцияларнинг рационал (тургун) бирлашмаси. Технология услубиётнинг мантиқий-операциявий ишлаб чиқиладиган ўзаги сифатида қабул қилиниши мумкин. Технология белгилари: мақсадни қўйиш, педагогик тизимларни

баҳолаш, альтернатива асосида режа ва дастурларни янгилаш, операциявий компоненталар, фаолиятни ташкил этишнинг воситалари ва усуллари, жараён самарадорлигининг доимий ўсиши, потенциал ишлаб чиқиладиган педагогик натижалар.

276. *Технологии жараён* — қисқач, *техжараён* — бошлангич маълумотлар пайдо бўлгандан, токи талаб қилинган натижаларни олгунга қадар бажариладиган ўзаро боғланган ҳаракатларнинг тартибланган кетма-кетлигидир.

277. *Технологии харита* - қандайдир технологик жараён ёки объектга технологик хизмат қилаётган шахсга зарур маълумот ва кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжатдир. Технологик харита куйидаги: қандай амаллар бажариш керак? Амаллар қандай кетма-кетликда бажарилади? Амаллар қандай муддатларда бажарилиши керак? Ҳар бир амални бажариш учун қанча вақт сарфланади? Ҳар бир амални бажариш натижаси қандай? Амални бажариш учун қандай қуроллар ва материаллар зарур? деган саволларга жавоб бериши лозим.

278. *Технология* (юнонча (*ec/gne - теууц* — санъат, маҳорат ва *Ioſo5* - Хоуод-тушунча, таълимот) атамаси қадим замонлардан фойдаланилган. Ҳозирги кунларда кўпинча сўзлашувда *технология* атамасини инглизча *Кном* > *НОУ*/ (*ноу-хау*)- Биламан қандай (бажаришни) сўз бирикмаси билан алмаштирадилар.

279. *Тиббий-психологик-педагогик маслаҳат* — аномал болаларни мое ўқув-тарбия ва соғломлаштириш муассасасига йўллаш учун мажмуавий тиббий-психологик-педагогик текшириш ўтказадиган махсус муассаса.

280. *Тизим (система)* — бир бутунликни ташкил этадиган, ўзаро алоқадор элементлар ва улар орасидаги муносабатларни тарбиялантирилган тўплами. Тизим белгилари: иккидан чексизликкача чегарада тузилган элементлилик; элементларнинг ўзаро таъсир этиши, тизим ташкил этувчи омилнинг мавжудлиги; алоқалар иерархиялилиги, бутунлик, бирлик. Педагогик тизимнинг компоненталари: педагогик мақсадалар, педагогик жараённинг иштирокчилари, педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсир қилиши; педагогик воситалар, педагогик жараёнларни бошқариш.

281. *Тизимли ёндашув* - тадқиқот услубологиясининг йўналиши бўлиб, унинг асосида объектни муносабатлар ва улар орасидаги алоқалар йиғиндисидан бутун элементлар тўплами сифатида қараш, яъни объектни тизим сифатида қараш ётади.

282. *Тушунтириш* — баён қилинаётган материалнинг турли ҳолатларини тушунтириш, таҳлил қилиш, маъносини англаш ва исботлашни кўзда тутадиган ўқитиш услуги.

283. *Тўғрилаш (коррекция)* — психик ва жисмоний ривожланишнинг камчиликларини йўқотиш ёки камайтиришга қаратилган педагогик ва даволаш чора-тадбирларининг тизими.

У

284. *Уйга вазифа* — билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш мақсадида янги материални қабул қилиш учун ўқитувчи томонидан ташкил этилган ўқувчилар мустикали ишининг шакли.

285. *Умумпедагогик технология* яхлит таълим жараёнини ифода қилади.

286. *Услубиёт* - бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган услублар йиғиндисиди.

Ф

287. *Фаолият* - субъект ўзининг талабани қандайдир қаноатлантиришга, мақсадига эришишга имкон берадиган, унинг объект билан фаол ўзаро таъсир қилиш жараёни (жараёнлари)дир. Фаолият деб, инсоннинг ўзи қандайдир маъно берадиган унинг ихтиёрий фаоллигини айтиш мумкин. Фаолият инсон шахсининг ақлий томонини тавсифлайди).

288. *Фаолият* - 1. Онгли мақсад билан бошқариладиган кишининг ички (рухий), ташқи (жисмоний) фаоллиги; 2. Атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этилиши.

289. *Фаолиятли ёндашув* - бу ўқитиш жараёнини ташкил этиш ёндашуви бўлиб, унда ўқув жараёнида ўқувчининг ўзи-ўзини аниқлаш муаммоси биринчи ўринга чиқади. Фаолиятли ёндашувнинг мақсади бола шахсини ҳаётининг фаолиятнинг субъекти сифатида тарбиялашдан иборатдир.

290. *Фасилитатор* (ингл./*асШШ1ог*, лот./*асШз* — енгил, қулай) — гуруҳнинг муваффақиятли мулоқотини таъминлайдиган инсон. Учрашув қоидалар, унинг амаллари ва муддатларига риоя

қилишни таъминлаган холда, фасилитатор иштирокчиларга учрашувнинг мақсади ва мазмунига диққатни қаратишга имконият беради.

291. *Фронтал* (франц. й-опЫ - тўғридан, рўпарадан) - умумий, бир вақтни ўзида барча ўқувчиларга тарқаладиган, мае, фронтал сўров.

Х

292. *Хайрихоҳлик* - кишиларга нисбатан очиқ кўнгил, илтифотли, марҳаматли бўлиш.

293. *Хусусий-услугиб технология* - бир фан доирасидаги ўқув - тарбия жараёнини амалга ошириш услублари ва воситаларидан иборат.

Ш

294. *Шахс* - 1. Кишиларнинг ижтимоий хулқи, инсонлар орасида ўзини тутганини акс эттирадиган рухий сифатлари мажмуини билдирувчи тушунча; 2. Турли-туман сифатлар тизимидаги кишининг рухий, маънавий моҳияти; 3. Ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

295. *Шахсий фазилат* - шахс томонидан ўзининг ахлоқий-рухий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиши.

296. *Шахснинг йўналтирилганлиги* — шахс фаолиятини ва реал вазиятларда нисбатан ҳолислика йўналтирилган турғун мотивлар йиғиндисидир.

297. *Шахснинг ривожланиш омиллари* (ижтимоий ва биологик) — уларнинг нисбати кўпгина ички ва ташқи вазиятларга боғлиқ. Биологик омиллар орасида ирсият муҳим ўрин тутди. Организмнинг ирсий хусусиятлари каторига: анотомо-физиологик тузилиш, асаб тизимининг хусусиятлари, инсоннинг кўриниб турган қобилият аломатлари (нутқий қобилиятлари, тўғри юриш, фикрлаш). Уқувчиларни тарбиялашнинг асосий ижтимоий омиллари оила, микромуҳит ва жамоадир.

298. *Шахснинг фаоллиги* — инсоннинг дунёга нисбатан фаол муносабати, унинг моддий ва маънавий муҳитни жамоага қийматли ўзгартиришини амалга ошириш қобилияти; ижодий фаолиятда, эркин ҳаракатларда, муомалада намоён бўлади.

299. *Шахснинг шаклланиши* — ўзгаришларнинг манбаларини кўрсатмасдан шахснинг ўзгариши, янгиланиши, мураккаб-лашиши.

Э

300. *Эксперсиями лойицалар* - ўраб турган табиат ва кундалик ҳаётга алоқадор муаммоларни мақсадга мувофиқ ўрганиш.

301. *Экстенсив* - (лот. *Ex(en)ſivus* - кенгайтирилган, чўзилувчан), катталаштириш, тарқалиш билан боғлиқ; интенсивнинг карама-қаршиси.

302. *Энтузиаст* - энтузиазм билан ҳаракат қиладиган инсон.

303. *Энтузиазм* (юнонча *εὐνοοτ,αατб<;, εὐθοοτ>очаот<;*— «илҳом», кувонч, гайрат)— ижобий тую берилган хис-ҳаяжон, илҳомланган ҳолат, шунингдек, кайфият таъсири остида аниқ мақсадларга эришиш бўйича фаол ҳаракатлар қилиш хоҳиши ва амалга ошириш.

304. *Эътиқод* - шахс амал қиладиган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

305. *Эстетик тарбия* - гўзалликни хис қилиш, атроф-муҳитдаги гўзалликни пайқай олиш ва тушунишга бўлган қобилиятни тарбиялаш.

306. *Эҳтиёж* — организм учун меъёрий ҳаётий фаолияти учун зарур нарсалар бўйича, унинг талабларини қаноатланмаганлиги туфайли рўёбга келган ва ушбу қаноатланмаганликни йўқотишга мўлжалланган ҳолат. Бу ҳолат эҳтиёж предметидаги заруратни кўзда тутди. У истеъмол предмети фаол ўзлаштиришда, фаолиятнинг заруратида ифодаланади.

307. *Эҳтиёж* - шахснинг бирор нарса-ҳодисага муҳтожлиги ва кишининг рухий қуввати ва фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

Я

308. *Якуний назорат* - предметни ўрганишни тугатгандан сўнг уни қанчалик даражада ўзлаштирганлигини, яъни олинган натижалар қўйилган дидактик мақсадларга қай даражада мое келишини аниқлайди. Бундай кўринишдаги назорат синов ёки имтиҳон бўлиши ва у ёзма ёки оғзаки, масалан, тест синовлари шаклида ўтказилиши мумкин.

309. *Яхлит педагогик жараён* - тарбия ва таълим жараёнида тарбия беришнинг ўзаро сингиб кетган, яхлит ҳолга келган жараёни.

Ў

310. *Ўзаро таъсир* — инсонларнинг, ўзаро умумий вазибалар, қизиқишлар, биргаликдаги фаолиятлари ва ўзаро йўналган реакцияларини назарда тутган бир-бирларига бевосита ёки билвосита ўзаро таъсир этиш жараёнидир. Ҳақиқий ўзаро таъсир белгилари: объектларни бир вақтда мавжуд бўлиши; алоқаларнинг икки томонламалиги; субъект ва объектнинг ўзаро ўтиши; томонлар ўзгаришларининг ўзаро келишилганлиги; ўқувчиларнинг ўзларининг ички фаоллиги.

311. *Ўзини-ўзи баҳолаш* — шахс томонидан ўзини, ўзининг имкониятларини, сифатини ва бошқа инсонлар орасидаги ўрнини баҳолаш. Ўзини-ўзи баҳолаш шахснинг ўзагига тегишли бўлган ҳолда, унинг ҳулқининг муҳим тартибга солувчисидан иборат. Инсоннинг атрофдагилар билан ўзаро муносабатлари, унинг танқидийлиги, ўзига талабчанлиги, муваффақият ва муваффақиятсизликлари унга боғлиқ. Ўзини-ўзи баҳолаш инсоннинг фаолиятининг самарадорлиги ва унинг шахсининг кейинги ривожланишига таъсир этади.

312. *Ўз-ўзини баҳолаш* - кишининг ўз руҳий сифатларини, ҳулқини, ютуқлари ва муваффақиятсизликларини, кадр-қимматини, камчиликларини баҳолаш олиши.

313. *Ўзи-ўзини бошқариш* — жамоавий қийматга эга мақсадларга эришиш учун қарорлани қабул қилиш ва жорий этишда жамоа аъзолари муваққиллигининг ривожланишини кўзда

тутган, жамоани ҳаётийлигини ташкил этишнинг демократик шаклидир.

314. *Ўз-ўзини тарбиялаш* — 1. Шахсга хос бўлган маданиятнинг шаклланишига ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолият; 2. Шахснинг ўз жисмоний, руҳий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириши.

315. *Ўйин* — мажбурий табиатга эга бўлмаган, ўйин натижаларидан хурсандлик туйғусини, қониқишни ҳосил қиладиган болаларнинг машғулоти, ҳаракати, алоқа шакли. Ўйин — дам олиш, кўнгил очиш ва таълим учун мақсадли ташкил этиладиган тасаввурдаги ёки ҳақиқий фаолият.

316. *Ўйинли лойицалар* - турли ўйинлар, халқаро рақслар, драматик сахналаштиришлар ва ҳоказо. Мақсад - болаларни гуруҳли фаолиятда қатнашишини ташкил этишдан иборат.

317. *Ўқиганлик*— инсон томонидан ўқиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш тезлиги ва сифатининг шахсий кўрсаткичлари.

318. *Ўқитиш* — ўқитувчи ва ўқувчининг мақсадли ўзаро таъсир жараёни бўлиб, унда инсоннинг таълими ва ривожланиши амалга ошади. Ўқитиш жараёни икки томонлама: ўз ичига ўқишни (ўқувчи фаолияти) ва ўқитиш жараёни (педагог фаолияти)ни олади.

319. *Ўқитиш* - билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш бўйича ўқувчиларни фаол ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг мақсадга йўналтирилган жараёни.

320. *Ўқитиш* - шахснинг таълими, тарбияси ва ривожланиши амалга ошириладиган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро мақсадли таъсири жараёнидир. Ўқитиш билан боғлиқ таянч тушунчалар «ўқитиш» ва «таълим» лардан иборат.

321. *Ўқитишнинг интерфаол технологияси (ЎИТ)* деганда, педагогик самарали билишли мулоқот қафолатини берадиган, бунинг натижасида ўқувчилар томонидан ҳаяжонланиш учун ўқув фаолиятида муваффақият вазиятига шароит яратиладиган ва уларнинг мотивли, интеллектуал, ҳис-туйғули ва бошқа хусусиятларни ўзаро тўлдирадиган ўқитувчи ва ўқувчининг ўқув-ўйин шаклидаги ўзаро таъсирини ташкил этиш усулларининг тизими тушунилади.

322. *Ўқитишни табақалаштириш* — ўқувчиларни гуруҳларга ажратган ҳолда, ажратиш асосида ўқитишни ўтказиш. Ҳар

бир гурухни аниқ бир шахсий-психологик хусусиятларга *ўхшаиш* бўлган ўқувчилар ташкил этади.

323. *Ўқитишни ташкил этиш шакллари*— ўқув жараёнини ташкид этишнинг ташки томонини ифодаладиган дидактик тоифа бўлиб, у ўқувчилар сони, ўқитиш вақти ва услуби, шунингдек, уни амалга оширишнинг тартиби билан боғлиқ. Ўқув ишини ташкил этишнинг куйидаги асосий шаклари мавжуд: даре, экскурсия, факультатив машғулот, уйга ўқув иши, меҳнат ва ишлаб чиқариш таълим шакллари, синфдан ташқари ишлар шакллари (тўғарақлар, студиялар, илмий жамиятлар, олимпиадалар).

324. *Ўқитиш технологиям* - ўқитувчи-предметчи ишининг амалиётида ўқитиш технологиясини қўллашнинг амалий йўналиши ва мўлжалланган муқобил натижани олиш мақсадида ўқув-тарбия жараёнини куриш учун умумий назарий моделни жорий этишдир.

325. *Ўқитувчи шахеи* - ўқитувчининг инновацион фаолиятини очиб берувчи «Ўқитувчи шахеига қўйиладиган талаблар» мавзусида мустақил фикрлашга қаратилган.

326. *Ўқув жараёнини технологиялаштириш* - аниқ инновацион услуб, восита, шакллари ва уларнинг элементларини ўқитишнинг реал тизимида узатиш ва жорий этиш жараёнидир.

327. *Ўқувчиларни касбга йўналтириш* - ўқувчи ва ёшларга келажакда ўз касбларини аниқдаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иктисодий, рухий, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш - техникавий тадбирларнинг асосланган тизими.

328. *Қаноат* - маълум мақсадга эришиш йўлида ижобий туйғу билан боғланган шахснинг рухий ҳолати.

Қ

329. *Қизиқиш* - шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналанининг онгли шакли.

БЪО.Қизиқиш — объект ёки ҳодисани кашф этиш характеридаги ва билимни эгаллашга, онг-билим даражаси энг муҳим рағбатлантирувчилардан бири бўлган, у ёки бу кўринишдаги фаолиятни эгаллашга интилиши. Қизиқиш бўлганда, билимлар мустаҳкам эгалланади. Унинг асосида инсоннинг эҳтиёжи ётади.

Ғ

БЪХ.Гайри ихтиёрийлик — ташқи ҳолат ёки шахсий кайфиятлар таъсирида дастлабки ишончларга мойил киши хулқининг хусусияти.

Ҳ

332. *Ҳалоллик* - шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий меъёрларни ростгўйлик билан сақдаш.

333. *Ҳасад* - ўзгаларнинг муваффақиятларини кўра олмасликдан келиб чиқадиган туйғу.

334. *Ҳикояга оид лойихалар* - турли-туман шаклдаги - оғзаки, ёзма, қўшиқ орқали, мусиқа орқали (роялда чалинган) хикоядан завқ олиш мақсадидаги лойиха.

БЪБ.Ҳолат— мое хаяжонланиш ва ҳаракатларда рўёбга келадиган инсоннинг аниқ томонларга ва ўраб турган ҳақиқийликга нисбатан муносабатлари тизими. Ижтимоий психологияда шахснинг гуруҳ аъзоси сифатида тавсифларидан бири сифатида фойдаланилади, уни эгаллаган ҳолати, мавқеи ва гуруҳда бажарадиган ролдан қониқишига муносабатини ифодалайди. У шахснинг дунёни, бўлаётган ҳодисаларни, унда ўзини ва у билан алоқада бўлган гидрокининг ажойиблигини белгилайди.

ҒОУБАЪАМЪСАЛ АДАБИЁТЛАР

1. Ишмухамедов Р.Ж, Абдукодиров А., Пардаев А. Директорнинг иш китоби (амалий тавсиялар). - Т.: «Ғап уа *ехполo§1ya», 2007. - 122 б.
2. Ишмухамедов Р.Ж, Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар).- Т.: «Истеъдод», 2010.-140 б.
3. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: «Истеъдод», 2008.-180 б.
4. Йулдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т.: 2001.
5. Краткий философский словарь. Под.ред.Алексеева А.П.- М.: «Проспект», 1998.- 400 б.
6. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. Учеб. пос. для студ. пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров/ под ред.Е.С.Полат.-М: «Академия», 2005.
7. Педагогика: педагогические теории, системы, технологии: Учеб. для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений / С.А.Смирнов, И.Б.Котов, Е.Н.Шиянов и др.; под ред. С.А.Смирнова.- 4 е изд.исп. - М.: «Академия», 2001.-512 б.
8. Педагогические технологии. Учебное пособие/Авт. сост. Т.П.Сальникова - М.: ТЦ Сфера, 2005.
9. Радугин А.А. Педагогика. Учебное пособие для высших учебных заведений. -М.: Центр, 2002.
10. Русско-узбекский словарь // Под. Ред. В.В.Решетова- Т.: «Ўқитувчи», 1972.-623 б
11. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: «Молия», 2003.
12. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2004.
13. Талызина Н.Д. Управление процессом усвоения знаний. - М.: МГУ,1975.
14. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технология-ларнинг татбиқий асослари. - Т.: 2006.
15. Энциклопедия педагогических технологий / Материалы для специалиста образовательного учреждения.- СПб: Каро, 2005.-366 с.
16. Человек и общество: краткий энциклопедический словарь-справочник (политология) // Отв. ред. Борцов Ю.С. - Ростов на-Дону: «Феникс», 1997.-608 б.

С	= - : : : = : *	
Ж		0
*		
Й		16
{?		20
О	:	22
П		
р		26
Р		27
т		29
	3 5	
I		35
*		36
Г		37
Я ' ' ' ' ' У		38
У		38
К		40

**АБДУҚОДИРОВ АБДУҚАҲҲОР АБДУВАКИЛЬЕВИЧ
ПАРДАЕВ АБДУНАБИ ХОЛИҚОВИЧ**

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ОИД
АТАМАЛАР ИЗОҲЛИ ЛУГАТИ**

Тошкент - «Ғап уа 1ехпо1о£«уа» - 2012

Мухаррир: Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир: М.Холмухаммедов
Мусаввир: Ҳ.Фуломов
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Боснииа рухсат этилди 15.10.2012.
Бичими 60x84 '/Ц. «Птех \5т» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 3,0. Нашр босма табоғи 2,75.
Тиражи 500. Буюртма №105.**

**«Кап уа 1ехпо1о\$1уа1аг Магканшп\$ Ёо8шахопа\$Ъ» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**